

Махсус иқтисодий зона, кичик саноат зонаси, технопарк, кластер ва Ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналари фаолияти


2026 йил январь-март ойлари учун

- I. МИЗ, КСЗ, технопарк, кластер ва ЁСТЗ ҳамда уларнинг иштирокчилари сони
- II. МИЗ, КСЗ, технопарк, кластер ва ЁСТЗнинг асосий кўрсаткичлари
- III. МИЗ, КСЗ, технопарк, кластер ва ЁСТЗнинг иқтисодий кўрсаткичлари
- IV. АТ парки иштирокчилари фаолиятининг асосий кўрсаткичлари
- V. МИЗ ва КСЗ таркибига кирувчи корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулот (иш, хизмат)лар ҳажмининг фаолият турлари бўйича улуши
- VI. МИЗ, КСЗ, технопарк, кластер ва ЁСТЗ иштирокчилари статистикаси бўйича услубий тушунтиришлар ва метамаълумотлар

I. МИЗ, КСЗ, технопарк, кластер ва ЁСТЗ ҳамда уларнинг иштирокчилари сони¹

2026 йилнинг 1 апрель ҳолатига кўра, иштирокчиси мавжуд махсус иқтисодий зоналар сони 33 та (кейинги ўринларда – МИЗ), кичик саноат зоналари сони 396 та (кейинги ўринларда – КСЗ), технопарклар сони 27 та, кластерлар сони 349 та (кейинги ўринларда – кластер) ҳамда Ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналари сони 143 та (кейинги ўринларда – ЁСТЗ) бўлиб, уларнинг таркибидаги корхоналар сони МИЗда 1 116 та, КСЗда 3 098 та, технопаркларда 3 680 та, кластерларда 383 та ва ЁСТЗларда 1 157 тага етди.

МИЗ, КСЗ, технопарк, кластер ва ЁСТЗ иштирокчилари сони



■ Иқтисодий зоналар иштирокчилари сони, бирлик

¹ МИЗ, КСЗ, технопарк, кластер ва ЁСТЗ сони уларнинг иштирокчилари бўлган ҳамда лойиҳаси ишга туширилган корхоналар бўйича шакллантирилган.



II. МИЗ, КСЗ, технопарк, кластер ва ЁСТЗнинг асосий кўрсаткичлари

2026 йил январь-март ойларида

Ўлчов бирлиги	МИЗ	КСЗ	Технопарк	Кластер	ЁСТЗ	
Амалдаги нархларда ишлаб чиқарилган саноат маҳсулот (иш, хизмат)лари ҳажми (ҚҚС ва акцизсиз)	млрд сўм	14 000,6	5 204,0	779,6	9 679,8	240,6
Асосий капиталга инвестициялар ҳажми	млрд сўм	2 645,5	180,4	545,9	531,4	1,3
Ўз кучи билан бажарилган қурилиш ишлари ҳажми	млрд сўм	49,1	248,0	54,8	14,4	19,9
Кўрсатилган бозор хизматлари ҳажми (ҚҚС ва акцизсиз)	млрд сўм	653,6	306,2	9 779,3	477,2	71,9
Ҳисобот даври охирида ходимлар сони	киши	55 869	41 527	55 335	52 152	5 766
Ҳисобот даври охирида иш ўринлари сони	ўрин	55 775	41 925	58 067	53 070	5 747
Хизматлар экспорти ҳажми	минг АҚШ доллари	2 725,0	726,8	192 172,8	-	698,6
Хизматлар импорти ҳажми	минг АҚШ доллари	45 491,1	11 266,1	94 544,1	95,0	144,6

III. МИЗ, КСЗ, технопарк, кластер ва ЁСТЗнинг иқтисодий кўрсаткичлари


МИЗ, КСЗ, технопарк, кластер ва ЁСТЗ таркибига кирувчи корхоналар томонидан саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми

Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми МИЗ таркибидаги корхоналарда 14 000,6 млрд сўмни, КСЗ таркибидаги корхоналарда 5 204,0 млрд сўмни, технопарклар таркибидаги корхоналарда 779,6 млрд сўмни, кластерлар таркибидаги корхоналарда 9 679,8 млрд сўмни ва ЁСТЗ таркибидаги корхоналарда 240,6 млрд сўмни ташкил қилди.

Энг юқори саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми махсус иқтисодий зона таркибидаги корхоналар ҳиссасига тўғри келган бўлиб, 14 000,6 млрд сўмни ташкил этган ҳамда ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 31,4 % га ошган.

Таққослаш учун: 2025 йилнинг январь-март ойларида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми МИЗ таркибидаги корхоналарда 10 652,9 млрд сўмни, КСЗ таркибидаги корхоналарда 3 367,3 млрд сўмни ва технопарклар таркибидаги корхоналарда 363,4 млрд сўмни ва кластерлар таркибидаги корхоналарда 9 960,7 млрд сўмни ташкил қилган.

МИЗ, КСЗ, технопарк, кластер ва ЁСТЗ таркибига кирувчи корхоналар томонидан саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми



Мавзуга доир кўрсаткичлар:

[Кластерлар томонидан амалдаги нархларда ишлаб чиқарилган саноат маҳсулот \(иш, хизмат\)лари ҳажми \(ҚҚС ва акцизсиз\)](#)

[КСЗ иштирокчилари томонидан амалдаги нархларда ишлаб чиқарилган саноат маҳсулот \(иш, хизмат\)лари ҳажми \(ҚҚС ва акцизсиз\)](#)

[Махсус иқтисодий зоналар томонидан амалдаги нархларда ишлаб чиқарилган саноат маҳсулот \(иш, хизмат\)лари ҳажми \(ҚҚС ва акцизсиз\)](#)

[Технопарк иштирокчилари томонидан амалдаги нархларда ишлаб чиқарилган саноат маҳсулот \(иш, хизмат\)лари ҳажми \(ҚҚС ва акцизсиз\)](#)

МИЗ, КСЗ, технопарк, кластер ва ЁСТЗ таркибига кирувчи корхоналар томонидан бажарилган қурилиш ишлари ҳажми

Ўз кучи билан бажарилган қурилиш ишлари ҳажми МИЗ таркибидаги корхоналарда 49,1 млрд сўмни, КСЗ таркибидаги корхоналарда 248,0 млрд сўмни, технопарклар таркибидаги корхоналарда 54,8 млрд сўмни, кластерлар таркибидаги корхоналарда 14,4 млрд сўмни ҳамда ЁСТЗ таркибидаги корхоналарда 19,9 млрд сўмни ташкил қилди.

Ўз кучи билан бажарилган қурилиш ишларининг энг юқори ҳажми кичик саноат зоналари таркибидаги корхоналар ҳиссасига тўғри келган бўлиб, 248,0 млрд сўмни ташкил қилди.

МИЗ, КСЗ, технопарк, кластер ва ЁСТЗ таркибига кирувчи корхоналар томонидан бажарилган қурилиш ишлари ҳажми



Мавзуга доир кўрсаткичлар:

[Кластерлар томонидан амалдаги нархларда ўз кучи билан бажарилган қурилиш ишлари ҳажми \(ҚҚС ва акцизсиз\)](#)

[КСЗ иштирокчилари томонидан амалдаги нархларда ўз кучи билан бажарилган қурилиш ишлари ҳажми \(ҚҚС ва акцизсиз\)](#)


[Махсус иқтисодий зоналар томонидан амалдаги нархларда ўз кучи билан бажарилган қурилиш ишлари ҳажми \(ҚҚС ва акцизсиз\)](#)

[Технопарк иштирокчилари томонидан амалдаги нархларда ўз кучи билан бажарилган қурилиш ишлари ҳажми \(ҚҚС ва акцизсиз\)](#)

МИЗ, КСЗ, технопарк, кластер ва ЁСТЗ таркибига кирувчи корхоналар томонидан асосий капиталга инвестициялар ҳажми

Молиялаштиришнинг барча манбалари ҳисобидан асосий капиталга инвестициялар ҳажми МИЗ таркибидаги корхоналарда 2 645,5 млрд сўмни, КСЗ таркибидаги корхоналарда 180,4 млрд сўмни, технопарклар таркибидаги корхоналарда 545,9 млрд сўмни, кластерлар таркибидаги корхоналарда 531,4 млрд сўмни ва ЁСТЗ таркибидаги корхоналарда 1,3 млрд сўмни ташкил этган.

МИЗ, КСЗ, технопарк, кластер ва ЁСТЗ таркибига кирувчи корхоналар томонидан асосий капиталга инвестициялар ҳажми



Мавзуга доир кўрсаткичлар:

[Кластерлар бўйича молиялаштиришнинг барча манбалари ҳисобидан асосий капитал инвестициялари ҳажми](#)

[КСЗ иштирокчилари бўлган корхоналарни молиялаштиришнинг барча манбалари ҳисобидан асосий капитал инвестициялари ҳажми](#)

[МИЗ иштирокчилари бўлган корхоналарни молиялаштиришнинг барча манбалари ҳисобидан асосий капитал инвестициялари ҳажми](#)

[Технопарк иштирокчилари бўлган корхоналарни молиялаштиришнинг барча манбалари ҳисобидан асосий капитал инвестициялари ҳажми](#)

IV. АТ парки иштирокчилари фаолиятининг асосий кўрсаткичлари

2026 йилнинг январь-мартида, АТ парки иштирокчиларининг хизматлар экспорти ҳажми 191,8 млн АҚШ долларини ташкил этиб, 2025 йилнинг тегишли даврига нисбатан 38,5 млн АҚШ долларига кўпайган.

2026 йилнинг январь-мартида, АТ парки иштирокчиларининг хизматлар импорти ҳажми 92,2 млн АҚШ долларини ташкил этган.

2026 йилнинг январь-мартда, АТ парки иштирокчилари томонидан кўрсатилган бозор хизматлари ҳажми 9401,7 млрд сўмни ташкил этди. 2025 йилнинг тегишли даврига нисбатан 2 775,2 млрд сўмга ошган.

2026 йилнинг январь-мартда, АТ парки иштирокчилари бўйича молиялаштиришнинг барча манбалари ҳисобидан асосий капиталга инвестициялар ҳажми 500,5 млрд сўмни ташкил этиб, 2025 йилнинг тегишли даврига нисбатан 348,9 млрд сўмга ошган.

АТ парки иштирокчиларининг асосий кўрсаткичлари

	Ўлчов бирлиги	2025 йил январь-март ойларида	2026 йил январь-март ойларида
Хизматлар экспорти ҳажми	млн АҚШ доллари	153,3	191,8
Хизматлар импорти ҳажми	млн АҚШ доллари	47,4	92,2
Кўрсатилган бозор хизматлари (ҚҚС ва акцизсиз) ҳажми	млрд сўм	6 626,5	9 401,7
Асосий капиталга инвестициялар ҳажми	млрд сўм	151,6	500,5
Ҳисобот даври охирида иш ўринлари сони	ўрин	37 274	46 172

Мавзуга доир кўрсаткичлар:

[АТ парки иштирокчиларининг хизматлар экспорти ҳажми](#)


[АТ парки иштирокчиларининг хизматлар импорти ҳажми](#)

[АТ парки иштирокчиларида ишлаб чиқарилган \(кўрсатилган\) хизматлар \(ҚҚС ва акцизсиз\) ҳажми](#)


[АТ парки иштирокчилари бўйича молиялаштиришнинг барча манбалари ҳисобидан асосий капиталга инвестициялар ҳажми](#)

V. МИЗ ва КСЗ таркибига кирувчи корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулот (иш, хизмат)лар ҳажмининг фаолият турлари бўйича улуши

МИЗ таркибига кирувчи корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулот (иш, хизмат)лар ҳажмининг фаолият турлари бўйича улуши



КСЗ таркибига кирувчи корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулот (иш, хизмат)лар ҳажмининг фаолият турлари бўйича улуши



VI. МИЗ, КСЗ, технопарк, кластер ва ЁСТЗлар иштирокчилари статистикаси бўйича услубий тушунтиришлар ва метамаълумотлар

Махсус иқтисодий зона – тегишли ҳудудни жадал ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш учун чет эл инвестициялари ва маҳаллий инвестицияларни, юқори технологиялар ҳамда бошқарув тажрибасини жалб этиш мақсадида махсус ажратилган, белгиланган чегараларга ва махсус ҳуқуқий режимга эга бўлган ҳудуд.

Кичик саноат зонаси – аниқ ер участкасини ўз ичига олган ҳудуд бўлиб, баъзи ҳолларда – муҳандислик-техник коммуникациялар билан таъминланган ишлаб чиқариш майдонлари.

Технопарк – ўзаро, давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорлик қилувчи, тадбиркорлик, инвестиция фаолиятини ва илмий фаолиятни юритиш мақсадида замонавий технологик ва ташкилий муҳитни шакллантирувчи илм-фан ва таълимнинг тижорат ва нотижорат ташкилотлар, молия институтлари ва тадбиркорларнинг интеграциялашуви шакли.

Кластер – мева-сабзавот ва қишлоқ хўжалиги ресурсларини етиштириш ва чуқур қайта ишлаш, чорвачилик, балиқчилик ва бошқа комплексларни яратиш, рақобатбардош юқори технологияли ва экспортбоп тўқимачилик, озиқ-овқат ва бошқа турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш шакли.

Ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналари – тегишли ҳудудни жадал ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, ёшлар бандлигини, энг аввало “Ёшлар дафтари”га киритилган ёшларнинг бандлигини таъминлаш ва ёш тадбиркорлик субъектларининг инвестиция лойиҳаларини амалга оширилишини қўллаб-қувватлаш мақсадида ажратилган махсус ҳудуд.

